

**«UzAuto Motors Powertrain» АЖнинг устав капиталидаги 100 фоиз акциялар
пакетига эгаллик қилувчи ягона акциядори «UzAuto Passenger Vehicles
Management» МЧЖнинг, акциядорлар умумий йиғилишининг ваколатига
кирадиган масалалар бўйича
32-2020/8 - сонли Қарори**

Тошкент ш.,
А.Темур к, 13-уй

2020 йил «14» август
соат: 11:00

«UzAuto Motors Powertrain» акциядорлик жамиятининг (кейинги ўринларда - Компания) 2020 йил «14» август ҳолатига депо ҳисобварағидан кўчирмасига асосан, Компаниянинг 139 837 000 000 дона яъни 100% акциялар пакети «UzAuto Passenger Vehicles Management» МЧЖга тегишли ҳисобланади.

«Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 58-моддасига асосан, барча оддий акциялар битта акциядорга тегишли бўлган жамиятда акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилмайди. Ушбу Қонун ва жамиятнинг устави билан акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатига киритилган масалалар бўйича қарорлар бундай акциядор томонидан яқка тартибда қабул қилинади ҳамда ёзма шаклда расмийлаштирилади.

Ушбу Қарор 2020 йил «14» август куни Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва Компания уставига мувофиқ ёзма шаклда расмийлаштирилди.

***1. Компаниянинг жойлаштирилган акцияларга қўшимча равишда
жойлаштиришига ҳақли бўлган эълон қилинган акциялари миқдорини белгилаш
тўғрисида.***

«Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 18-моддасига мувофиқ, жамиятнинг устав фонди (устав капитали) қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтирилиши, қўшимча акциялар фақат жамият уставида белгиланган, эълон қилинган акцияларнинг сони доирасида жамият томонидан жойлаштирилиши мумкинлиги белгиланган.

Компания устав капиталини ошириш учун Компания томонидан жойлаштирилган акцияларга қўшимча равишда жойлаштиришга ҳақли бўлган эълон қилинган акцияларнинг сонини белгилаш лозим.

**Кун тартибидаги биринчи масала юзасидан Қарор
(139 837 000 000 дона овоз, 100%):**

1.1. Компания Устав капиталини кўпайтириш мақсадида, жойлаштирилган акцияларига қўшимча равишда жойлаштиришига ҳақли бўлган эълон қилинган акцияларининг сони номинал қиймати 1 (бир) сўм бўлган 209 755 500 000 (икки юз тўққиз миллиард етти юз эллик беш миллион беш юз минг) дона умумий қиймати 209 755 500 000 (икки юз тўққиз миллиард етти юз эллик беш миллион беш юз минг)

сўмлик ҳужжатсиз, эгасининг номи езилган, оддий акциялардан иборат этиб белгилансин.

2. Компания уставининг янги таҳрири тасдиқлаш тўғрисида.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 08 июлдаги «Қишлоқ хўжалиги машинасозлиги ташкилотлари фаолиятининг самарадорлигини оширишга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги 430-сонли Қарори ижросини таъминлаш мақсадида, шунингдек, «Ўзавтосаноат» АЖ Кузатув кенгаши қарорига асосан, Компания устав капиталдаги 100% «Ўзавтосаноат» АЖга тегишли акциялар пакети 2020 йил 10 июль санасида «Passenger Vehicles Management» МЧЖга ўтказиб берилган.

Қолаверса, «Passenger Vehicles Management» МЧЖ ягона таъсисчисининг 2020 йил 09 июлдаги қарорига асосан «Passenger Vehicles Management» МЧЖ номи «UzAuto Passenger Vehicles Management» МЧЖга ўзгартирилган ва 2020 йил 04 август куни белгиланган тартибда «UzAuto Passenger Vehicles Management» МЧЖ таъсис ҳужжатларига ўзгартиришлар киритилган.

Юқоридагиларга асосан, шунингдек, Компаниянинг жойлаштирилган акцияларга қўшимча равишда жойлаштиришга ҳақли бўлган эълои қилинган акциялари миқдори белгиланганлигини шубҳатга олиб, Компания уставига тегишли ўзгартиришларни киритиш лозим.

Кун тартибидаги иккинчи масала юзасидан Қарор (139 837 000 000 дона овоз, 100%):

2.1. Компания уставининг янги таҳрири ушбу Қарорнинг 1-иловасига мувофиқ тасдиқлансин.

2.2. Компания уставининг янги таҳририни белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказиш Компания Бош директори Тураев Фарход Раззакович зиммасига юклатилинсин.

«UzAuto PV» МЧЖ
Бош директори



[Handwritten signature]
С.Гафаров

20 август 2020 йил